

# ЎЗБЕКИСТОН



## OVOZI

IJTIMOYIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2003-YIL ■ 31-AVGUST ■ YAKSHANBA ■ 107 (27.127) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan.

### ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



Н.Худойбергенов, «Пахта-банк» акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Шахрисабз тумани ҳокими А.Эрдонаев, «Намангангазтаъминот» шўба корхонаси директори З.Тожибоев ўз фикрларини билдирди. Депутатлар бу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Бу масала бўйича Урганч давлат университети ректори А.Саъдуллаев, Денов туманидаги Хайрбод пахта тозалаш акционерлик жамияти раиси Р.Абдуллаев, Учқўрғон тумани ҳокими Б.Охун, «Шўртан-нефтьгаз» унитар шўба корхонаси бошлиғи О.Муродов, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқаруви раиси З.Мунавваров сўзга чиқди. Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Шундан сўнг Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Солиев «Электрон ра-



камли имзо тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ушбу ҳужжат ҳақида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йулдошев, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси Қўқон темир йўл тармоғи бошлиғи М.Мирҳамзаев, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи директори И.Сайдахмедов ўз фикрларини билдирди. Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссиялари номида парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева «Ўзбекистон Республикаси-

нинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига киритди. Депутатлар бу ҳужжатни қабул қилди.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессияси. Котибати раҳбари Р.Мухаммадиевнинг сессия давомида фуқаролардан тушган мурожаатлар ҳақидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг айрим қарорларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Ф.Муҳитдиновнинг тақдимотига кўра депутатлар Олий суд таркибига ўзгартириш киритди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси шу билан ўз иштини якунлади.

Суратларда:  
сессия ишидан лавҳалар  
Шавак АҚМАНОВ  
олган суратлар

30 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси ўз иштини давом эттирди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессиясининг иккинчи куни «Банк сирини тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов ҳавола этди.

Мазкур ҳужжат муҳокамасида Бандихон тумани ҳокими Ў.Қўтоёев, «Наманганкурулиш» трести бошқарувчиси

Ш.Матмусаев, «Қашқадарё-автотўл» бирлашмаси раиси Қ.Панжиев, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Б.Аскарлов иштирок этди. Парламент қонун лойиҳасини маъқуллади ва уни жорий этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиевнинг маърузасидан сўнг депутатлар «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация боғлиқ тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди.

Ушбу ҳужжат юзасидан Эллиқалъа тумани ҳокими



### ХУШ ҚОЛ, КЎҲНА ЗАМИН, ШАРҚ ТАРОНАСИ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббус билан ташкил этилган ва рўйи-замин сайқали кўҳна Самарқандда олти кун давом этган «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусиқа фестивали якунланди.

Шу кунлар мобайнида Регистон майдонида, «Мўъжиза» амфитеатри, «Ешлик», «Сўғдиёна» истироҳат боғлари саҳнасида, Ургут, Тайлоқ, Самарқанд, Пастдарғом туманларида Шарқ мусиқа санъатининг ноёб дурдоналари минглаб мухлислар қалбини ром этди. Фестиваль танловига тақдим этилган куй ва қўшиқларни самарқандликлар ва шаҳар меҳмонлари қизғин оқишди.

Регистон майдони 30 август кунини фестивал қатнашчилари, узок-қўн-дан келган меҳмонлар, мусиқа ихлосмандлари билан янада гавжумлашди. Шу куни оқшом халқаро мусиқа фестивалининг ёпилиш маросими бўлди. «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусиқа фестивали голиблари ва совриндорлари эълон қилинди. Ҳакамлар ҳайъати Тува республикасининг (Россия) «Уранай» миллий ансамблини Гран-при — фестивалнинг энг олий совринига муносиб деб топди. Биринчи мукофот билан Дилнур Мирзақуллова (Ўзбекистон) ва Фозил Жамшидий (Эрон) тақдирланди. Иккинчи мукофот тожикистонлик Озода Ашурова ҳамда озарбайжонлик Зобит Набизодага насиб этди. Афғонистонлик ва бангладешлик санъаткорлар фестивалнинг учинчи мукофоти билан тақдирланди. ЮНЕСКОнинг махсус совринлари ҳиндистонлик ва исроиллик санъаткорларга ҳамда ўзбекистонлик созадона Абдуҳошим Исмоиловага берилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, фестиваль ҳакамлар ҳайъати раиси Ким Шин Ван, ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти Аҳмад Жалолий ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн топширди.

Фестиваль байроғи туширилди. Халқаро мусиқа байрамининг иштирокчилари икки йилдан сўнг яна шу ерда, мафтункор Самарқандда учрашмоқ ниятида хайрлашди.

Мусиқа анжуманининг ёпилиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ, Акбар ҚАРШИЕВ,  
ЎЗА мухбирлари

**ХАЛҚ БАНКИ** —  
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ



### ЭРКИНГ ЎЗИНГДА БЎЛСА...

ли томонидан яратилган ҳайкал ўрнатилди. Бир ҳўжаликка, мактабга, кўчага олим номи берилди. Тамом-вассалом.

Эндиликда, тарих саҳифаларида эсланиб-эсланмаган бу тадбир ҳақида ҳозирги ва келгуси авлод вакиллари ўқиб қолсалар, чалғилари мумкин. Сабаби... байрам ўтказишнинг ўзи бўлмаган.

Маълумки, шўро тўзумида амалиётда бўлган қонун-қўрсатмаларда «тенг ҳуқуқли», «қардош» республикаларнинг имкон чегаралари чеклаб қўйилган, қопилдан ташқари чиқишга эса эрқлари йўқ эди. Бирор қишлоқда йирикроқ қурилиш бошланадиган, айтайлик мактаб ёки касалхона қуриладиган бўлса-ю, унинг қиймати уч миллион сўмдан ошадиган бўлса, албатта Москвадаги идораларнинг рўхсати талаб қилинарди. Рўхсат берилмаса — қурма! Қурдиришмайди. Шу тахлит ерлик халқнинг эртасини ўйлаган раҳбарлар бирор нима ундириш, бир парча қозоғга имзо чектириш учун марказ идораларининг эшиги олдида ойлаб сарғайиб ўтиришган. Имзо чекишнинг ўзи бўлармиди — ҳўжалик раиси, райқўм коти-

би ёки шу «элчиликка» вакил қилинган одам қоп-қоп совғасалом кўтариб бориши керак эди...

«Саксонинчи йиллар бошида Ал-Хоразмий бобомизнинг 1200 йиллик тўғилганлигини ўтказиш учун собиқ СССР Министрлар Советининг қарорини чиқаришми керак бўлди, — деб ҳикоя қилади вилоятнинг ўша пайтдаги раҳбари Мадиёр ака Худойбергенов. — Тошкентдаги маъсул раҳбарлар ҳам ўртада чорасиз эди. Шароф Рашидов бу борада керакли шахслардан илтимос қилди, масала ҳал бўлгач, ташкилий тарафдан ёрдам бераётгани билдириди. Масалани ҳал қилиш учун ўша вақтдаги вилоят маданият бошқармаси бошлиғи неча марта Москвага бориб келди. Тегшили идораларнинг эшигига ойлаб ётди. Оддий бир котиб ёки ходимнинг рўпарасида мўлтираб ўтирди. Масалани ҳал қилиш — пастдан юқорига қараб ўрлаб борадиган бошқарув аппарати ходимларининг ихтиёрида эди. Ҳар бир майда масалани ҳал қилиш учун ўнлаб кабинетларга кириб чиқиш керак.

«Ху Цзиньтао Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Миллий байрам кунингиз муносабати билан Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига самимий кутловларимни изҳор қилиш мени учун хушнуд этди.

Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришда олға томон дадил силжиш бўлганини мамнуният билан қайд этиб, ушбу муносабатлар бундан бундан ҳам узок йиллар мобайнида икки мамлакат фаровонлиги йўлида мустақамлашиб бораверишига ишонч қомил эканлигини изҳор қиламан.

Жаноби Олийлари, Сизга мустақам соғлиқ ва муваффақиятлар, буюк мамлакатингизга эса раванг тилаб билдирган энг эзгу истақларимни қабул қилгайсиз.

Но Му-ХЁН,  
Корея Республикаси Президенти

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1998 ЙИЛ 9 АПРЕЛДАГИ «ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор улушини ошириш, ишлаб чиқариш соҳасида аҳоли бандлигини тўлароқ таъминлаш учун янада қулай шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 1-банди қуйидаги тахрирда берилсин:

«1. Белгилаб қўйилсинки, 2004 йилнинг 1 январидан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига қуйидагилар кирди:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий оватланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;

қуйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:

енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати — 100 кишидан;

машинасозлик, металлургия, ёқилги-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қури-

лиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари — 50 кишидан;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий оватланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар — 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар.»

2. Белгилаб қўйилсинки, 2004 йил 1 январдан: мазкур Фармоннинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган микрофирма ва кичик корхоналарга амалдаги қонунчилик билан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялари татбиқ этилади;

микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўртача йиллик ходимлари сонини аниқлашда шўба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишловчи ходимлар сони ҳам ҳисобга олинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Давлат статистика қўмитаси, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига кирувчи рўйхатга олинган корхоналарнинг аниқ таснифини

ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Қуйидагилар ўз қўшини йўқотган деб ҳисоблансин: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 1-бандининг бешинчи хабарини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Фармони иловасининг 2-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни мазкур Фармон бандлигига мувофиқлаштириш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ў.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 30 август

### САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган куннинг 12 йиллиги муносабати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқига самимий кутловлар ва эзгу тилақлар йўлаш шарафига муяссарман.

Ўтган мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатингиз Сизнинг раҳбарлигингиз остида ижтимоий барқарорликка, миллий тотувлик ва иқтисодий тараққиётга эришди, унинг халқаро мавқеи муттасил юксалиб бормоқда. Сизнинг дўст ва яқин қўшинингиз бўлмиш бизлар бунга чин қалбдан қувонмоқдамиз.

Кейинги йилларда Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда соғлом ва барқарор ривожланишдан иборат ижобий йўналиш кузатилмоқда. Турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик кенгаймоқда, халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик тобора мустаҳкамланмоқда. Шу йилнинг май ойида Сиз, Жаноби Олийлари билан Москва шаҳрида файзли учрашув ўтказиб, унинг давомида икки томонлама муносабатлар ҳамда ғоят муҳим халқаро ва минтақавий масалалар бўйича муштарак ягона фикрга эришдик. Мен бундан бундан ҳам Сиз, Жаноби Олийлари билан баҳамжihat ҳамкорликни давом эттиришга ҳамда Хитой — Ўзбекистон дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини олға силжитиш, минтақада ва бутун дунёда тинчлик, барқарорликни сақлаш ҳамда тараққиёт мақсадлари йўлида биргаликда қўлғайрат сарфлашга тайёрман.

Мамлакатингиз ва унинг халқига бахт-саодат ҳамда раванг тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ, муваффақиятлар ва омонлик тилаб қоламан.

Ху Цзиньтао  
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Миллий байрам кунингиз муносабати билан Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига самимий кутловларимни изҳор қилиш мени учун хушнуд этди.

Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришда олға томон дадил силжиш бўлганини мамнуният билан қайд этиб, ушбу муносабатлар бундан бундан ҳам узок йиллар мобайнида икки мамлакат фаровонлиги йўлида мустақамлашиб бораверишига ишонч қомил эканлигини изҳор қиламан.

Жаноби Олийлари, Сизга мустақам соғлиқ ва муваффақиятлар, буюк мамлакатингизга эса раванг тилаб билдирган энг эзгу истақларимни қабул қилгайсиз.

Но Му-ХЁН,  
Корея Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноб Президент, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунини муносабати билан Сизни ва халқингизни самимий кутлайман.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб ўтган 12 йил мобайнида мамлакатларимиз яқин муносабатлар ўрнатишга муяссар бўлди. Узро ишонч ва ҳурмат асосида ривожланиётган дўстона алоқаларни биз бундан бундан ҳам янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш ниятидамыз.

Германия қўшинларининг Афғонистонда ҳавфсизликни таъминлаётган халқаро қўчалар миссияси доирасида ўз вазифаларини бажаришида Сиз томонингиздан кўрсатилётган жуда катта ёрдам учун самимий миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

Сизга Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ва мамлакатда демократлаштириш жараёنларини амалга оширишда каттадан-катта муваффақиятлар тилайман. Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, ислохотларни давом эттиришда Германия Ўзбекистон учун ишончли шерик бўлиб қолаверди.

Сизга ва оилангизга энг яхши тилақлар, Ўзбекистон халқига эса эркинлик, ҳавфсизлик ва тотувлик тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,  
Йоханнес РАУ,  
Германия Федератив  
Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами, 1 сентябрь — Мустақиллик кунини муносабати билан ғоят самимий кутловларим ва энг эзгу тилақларимни қабул қилгайсиз.

Қўноварли имкониятдан фойдаланиб, мамлакатимизга расмий ташриф буюриш тақлифимизни қабул қилганингиз муносабати билан мамнуният изҳор қиламан. Бу ташриф дўстона Болгария — Ўзбекистон муносабатларини мустақамлаш ва кенгайтиришга қўшиладиган янги ҳисса бўлади. Ишончим қомилки, ушбу муносабатлар халқларимиз фаровонлиги, дунёда тинчлик ва ҳавфсизлик манфаатлари йўлида бундан бундан ҳам ривожланиб бораверди.

Мухтарам Президент Жаноблари, Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва Ўзбекистон Республикасининг раванг, дўст ўзбек халқининг фаровонлиги йўлидаги юксак масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Георги ПАРВАНОВ,  
Болгария Республикаси  
Президенти

**БИЗНЕС БАНК**  
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Ислом КАРИМОВ:

«Ўз тарихини ҳурмат қилган халқ, миллат аجدодлар ёдини доимо кутлуғ билиб, хотирасини эъзозлаб яшайди. Бу эса халқнинг ўзлигини англашига ёрдам берадиган муҳим омиллардан биридир».

Ёлгон юрагини сугуриб олар. Бўм-бўшлик бошланади қалбимда. Боболарнинг қатлга элтган ёлгон. Момоларнинг кўз ёшларига ғарқ бўлган ёлгон. У узоқ яшади. Негадир унинг сочлари оқ эмас. Э воҳ, алҳазар. Ёлгоннинг сочлари қонга чайилган.

сотгандим... — деди — Икки қўлим қондир ўшандан бўён». Ун икки йил аввал империянинг кулаб тушган деворлари. Безовта бўлади қон қўлли кимсалар. Умидвор тикилар узоқ-узоққа...

си барпо этилди. Орадан бир йил ўтиб 31 август — «Қатагон қурбонларини ёд этиш куни» деб белгиланди. Мустақилликнинг 11 йиллиги арафасида эса Қатагон қурбонлари хотираси музейи очилди, Озодликнинг ҳар бир куни тарихий адолатни тиклаш, аждодларимиз ўлмас хотирасига авлодлар эҳтиромини муҳрлаш билан ўтмоқда.

— Сиз қуёшни йўқотиб қўйганмисиз? Осмонни-чи? Дунёни, одамларни соғиниб яшашнинг машаққатли манзилларида бўлганмисиз? Тақдирингиз топталиб, қалбингиз қийноқ исканжасида зор-зор йиғлаганми?

Биз ҳукмрон тўралар қўлидаги кўйгирчоқ эдик. Кимдир уларга тўғаноқ бўлса, коммунистик режимнинг ёвуз машиналарида бўлганмисиз? Тақдирингиз топталиб, қалбингиз қийноқ исканжасида зор-зор йиғлаганми?

роз уйғотида ва Олий суд раиси вазифасидан 1972 йилда асоссиз четлаштирилди. 1974 йилда эса қамоққа олинди. Республика Олий Советининг депутаты бўлса-да, депутат дахлсизлиги ҳам инobatга олинмади.

«Юлдуз» хиссадорлик жамяти ҳуқуқшуноси ва Кузатув Кенгаши раиси этиб тайинланди. Ва шу кунгача бу ерда меҳнат қилмоқда.

Бадиъа «ТОКИ ОЛИБ БОРМАЙЛИК КЕЛАЖАККА ЁЛҒОННИ»

билган Қодирий, тилимиз деб қайгурган Фитрат, «Мен Мажнунман, шевърин сен Лайли» дея ёлворган Усмон Носир фарёди...

титрашади истиклол насимидан. Шаҳидлар ётурлар кийимларида, кўзларида қотиб қолган қасос ўти.

Қабоҳат манзили узра ўзининг оқ қўйлақларига қон билан дарду дунёсини битган Сайидризо Ализода... Қоғоз титрайди. Қалам қалтирайди. Ватаннинг эрки, миллатнинг зиёси тутқун бўлган ул кунларни битмоққа юрак бардош бермайди.

Юрнинг осмонда ой балқийди. Ойдинлик кезиб юради. Уйғонади қалбларда ғурур.

Кип-қизил қон қоплар оламни, қўлларини ювади қонга мустабид тузумнинг жаллодлари. Қадаҳларга қуйиб сипқорар, қон таъмидан ташанар улар. Озодликнинг ўлимидан бахра олганлар, тирикликни сўйиб ҳузур қилганлар. Эзгуликни кўзин уйганлар.

Миллатни озодликка олиб чиққан Президентимиз ташаббуслари билан Истиклолнинг тўққизинчи йилида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуа-

Шаҳидлар армони тупроқда ётур. Сўнги нафасидан майсалар унди. Осмоннинг эрка қизи ёмғирлар ёғдилар... Қўли қон одамлар қувондилар: изларимизни йўқотиб ёмғир, дея. Майсалар кўмади йўлларни, дея. Шоир Хуршид Даврон айтганидек:

Бир чолни учратдим, Қўли қон эди, «Нима бўлди?» — дея сўрадим ҳайрон «Дўстимни душманга

Миллатни озодликка олиб чиққан Президентимиз ташаббуслари билан Истиклолнинг тўққизинчи йилида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуа-

Халқ кўр бўлса, Унутар асл Уни сўйиб, қуйган эрларни. Мана, ўтди неча бор фасл Ерга тўкиб, ҳазон гулларни. Бугун Ватанда ҳурлик. Тантана қилмоқда кекса адолат. Юртда кезиб юрар миннатдор боболарнинг муқаддас руҳи. Шоир дили ёниб кетади. Хайқиради замонга, элга. Юқтиради дил дардларини Ватанига, миллатига у.

Саъдулла Пўлатхўжаев кўёшли ватанидан йироқда, тайга ўрмонларида навқирон умрини ўтказган.

Саъдулла Пўлатхўжаев кўёшли ватанидан йироқда, тайга ўрмонларида навқирон умрини ўтказган.

Саъдулла Пўлатхўжаев кўёшли ватанидан йироқда, тайга ўрмонларида навқирон умрини ўтказган.

Бугун — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни



Абдулгани ЖУМА олган сурат

Оққўрғон туманидаги эски Олимпект қишлоғи марказида қўнқарга қараб қўрилган масжид бор. Бу масжид Мустақилликнинг арафасида маҳалла оқсоқолларининг савий-ҳаракатлари ила жомъе масжид мақомини олди. Масжидга Эрбўта қози номи берилиб, у тумандаги Олимпект қўрғони, «Гўлистон» ва «Қаҳрамон» жамоа ҳўжаликлари мўйин-мусулмонларига хизмат қила бошлади.

лик қилади... ва 80 ёшларда вафот этади.

Баъзи пайтларда четдан келган меҳмонларнинг: Эрбўта қозининг бу масжидга нима дахли бор, масжид нима учун унинг номи билан аталади, унинг авлод-аждодлари борми, каби саволлар билан маҳаллий аҳолига муҳожаат қилганларнинг гувоҳи бўлганман. Эрбўта қози фаолияти ва масжиднинг тарихи хусусида билганлар у деб, билмаганлар эса ёлгон-яшиқ жавоб қайтарарди.

— Отам Аширмат, — деб хотирлайди масжиднинг орқа томонида яшайдиган Султонбой Аширматов, — очарчилик пайтларда онам билан Тожикистондан Олимпектга кўчиб келган экан. Хеч вақоси йўқ отамни Эрбўта қози ёнига қақириб.

Хозирги Пискент, Бўка, Оққўрғон туманлари ўтган аср бошида Тошкент вилоятининг Пискент волостида қарашли эди. Эрбўта қози волостда 40 йилдан ортқ қозилик вазифасида ишлаган.

— «Сартарошлик хунарингиз бор экан, шу ердан иморат солиб, жой қилинг», дебди. Мана, бутун авлодимиз ўшандан бери шу ерда яшаб келмоқдамиз.

Чор Россияси босқинчи қорчалонларининг Туркистон ўлкасини забт этиб, бебаҳо бойликларини мизни «Марказга ташиб, маҳаллий халққа ўлжаётган эдилар» Тошкент вилояти, Пискент волостида қозилик қилаётган Эрбўта қозини ҳам четда қолдирмайди. Эрбўта қози Оққўрғон туманидаги ўзига қарашли ерларни қариндош-уруғлари, ошна-оғайниларига тақсимлаб беради. Узи эса Пискентдан Олимпектга (туғилиб ўсган она қишлоғи) кўчиб кетади.

— «Уста, бу ховли-жойларни кўрдингизми?» — дебди хорғин-синиқ овозда. — Кўрдим, ҳаммаси жойида экан.

Бу ерда унинг ховли-жойлари, боғ ва чорбоғлари бор эди. Шунингдек, қўқонлик усталарга миллий услубда қурдирган икки хонали масжид ҳам мавжуд бўлиб, у қозилик вазифасини тарқ этгач, умрининг сўнги вақтларида шу масжидда имом-

— Бизлар-ку, ўтиб кетармиз. Бисотимдаги шу нарсалар ёлғиз боламга ҳам насиб қилмайди деб кўрқаман, Аширмат ука.

тон Сегизбоевни «халқ душмани» деб ҳибсга олишади ва отишга ҳукм қилинади. Қўлаб оққўрғонликлар «сегизбоевчи» тамгаси билан қамоққа олина бошлайди. Шулардан бири Эрбўта қозининг ёлғизгина ўғли Тошпўлат Эрбўтаев (ҳўжатларида Ирбўтаев бўлган — Т.М.) эди.

Эрбўта қозининг 4 қизи ва бир ўғли — Тошпўлат бўлган. Қози бобонинг қизларидан фарзанд қолмади. Тошпўлат ака серфарзанд эди. Улар ҳар хил касалликларга чалиниб, бирин-кетин вафот этган. Вояга етган Шопо-

вотлар ерига ҳарбий гуруҳларнинг қурол ишлатиб ёки зўравонлик билан кириши), 63 (зарар етказиш) ва 67 (контрреволюцион гуруҳда қатнашгани; контрреволюцион жамятларга таяйёрликни уюштириш ҳаракатлари) моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилган.

1939 йилнинг 16 августида Тошпўлат Ирбўтаев ҳибсдалигида Тошкент турмасида туберкулез хасталигидан вафот этган (дафн қилинган ери иш материалларида кўрсатилмаган).

ли «қора булутлар»ни ёғдирди. Қайси эшикка наҳот сўраб борса «Сен халқ душманининг хотиринсан» деб юзига соладиған бўлишиди. Ҳатто қариндош-уруғларини ҳам ундан қочадиган, гўё ёрдам беришса, ўзлари ҳам қамалшидан қўриқ қилишиди.

Эрбўта қозидан ўғли Тошпўлатга қолган барча мол-мулклар давлат ихтиёрига мусодара қилинди.

Устига устак одамларни диндан узоқлаштириш мақсадига партия мафқураси зуғумидан қўрққан амаллараст коммунист-

қарор қилинди. Борар жойининг тайини йўқ, ҳар томондан дакки-дашномлар эшиттавериб руҳий эзилган шўрлик аёл йиғлаб-сиқтаб далада қорандалик қиладиган Анорбой Зоировнинг ташлаб кетган чайласига боришдан бошқа чораси қолмади. Бу ерда қузнинг изғиринли шамоли, қишнинг қаттиқ совуқлари оиланинг ҳаётини чилпарчин қилди. Қасалликка чалинган болалар бирин-кетин ҳаётдан қўз юмди.

Қишлоқнинг катта-кичиги у ёқда турсин, қози авлодлари ҳам жанозага боришга ҳайикди, негаки, бу оила алоҳида кузатувга олинган эди.

Бир кун калпаи саҳарда бир ўғли жон таслим қилади. Саро-симага тушган она ўрнидан ёлғиз қолган Мервон Эрбўтаевага томорқа акратишди. Маҳалладошлар йиғилишиб, унга ҳашар йўли билан 2 хонали уй қўриб беришди.

Кулфатлар, ғам-андуҳлар ўз таъсирини кўрсатмай қолмаскан. Оила устуни Тошпўлат Эрбўтаевнинг айбис қатагон қурбони бўлиши, ўғли Ортиқматнинг урушда шаҳид кетиши, боз устига 10 фарзанднинг орзу ҳавасини қўриш ўрнига ер бағрига бериши Мервон момонинг қаддини букиб ташлади, сочлари қордек оқариб кетди. Шунча кўрғонликларни кўрган Мервон момо якка-ю ёлғиз боласини кута-кута 1980 йил 80 ёшида у дунёга рихлат қилди. Бир оила мана шундай қўриб тириклик варағидан ноҳақ ўчиб кетди.

Лекин ҳақиқат барибир қарор тоғди. Бунга наҳд 70 йил керак бўлди. 1991 йил Эрбўта қози масжиди Ўзбекистон мусулмонлар идораси ва Адлия вазирлигиндан рўйхатдан ўтказилиб жомъе масжид мақоми берди.

ТОПТАЛГАН ТАҚДИРЛАР

ЧОР ҲУКУМАТИ СЎНГРА ШЎРО ДАВРИДА ОТА, ЎГИЛ ВА НАБИРА ХУЛЛАС, БИР ОИЛА, АВЛОД ТАҚДИРИ ҚАНДАЙ ТОПТАЛГАНИ ҲАҚИДА

ат деган қизи Набиҳон деган йиғитга турмушга чиққанда бирдан уруш бошланди қолади. Кўёв урушга кетиб қайтмади. Тошпўлат отасидан қолган ерларда деҳқончилик қилиб, хосилни ҳўқуматга етказиб бериш билан шўғулланган. Шу ўринда саволлар туғилади: Тошпўлат нега ҳибсга олинди? Нега у қатагон қурбони бўлди? Нима учун ҳеч ким унинг тақдири билан қизиқмади?

Тошкент вилояти бошқармасининг қарори билан Тошпўлат Ирбўтаевнинг жиноий иши унинг ўлганлиги туфайли тўхтатилган. 1959 йил 1 мартда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўлганлиги туфайли тўхтатилган. 1940 йил 25 апрелдаги Ўзбекистон ССР Тошкент вилояти ИИХК бошқармасининг Тошпўлат Ирбўтаевнинг вафот этганилиги муносабати туфайли жиноий иши тўхтатилиши ҳақидаги қарори бекор қилинади ва у оқланади.

зўри билан ўлган бўлса керак. Ачинарли жойи шундаки, маълумотномада қайд этилишича, ўзига қўйилган унча айбловни тан олмаган. Натижада, маҳбус Тошпўлат турли қийноқлар билан ўлдирилиб, ўлимидан сўнг «туберкулез» ташхиси қўйилган бўлиши (мумкин) эҳтимолдан ҳоли эмас.

лардан иборат раҳбарлар Олимпектдаги катта-кичик масжидларни бузириб ташлатдилар. Эрбўта қози масжидига навабат келганда «Қози тўп» маҳалласидаги Абил ота, Ҳамдам бобо, Райимхўжа эшон ва бошқа қариялар тўпланишиб: «Бу масжид Московда ҳисобда туради. Агар кимлар масжидни бузишга киришсалар, биз ўшалар устидан юқорига арз қиламиз», деб қаттиқ қаршилик кўрсатишган. Ноилж қолган раҳбарлар масжидни туман «зағотзерно» идорасига вақтинча омондорона қилиб ўтказган. Уруш ва ундан кейин масжидда бундай сақлангани рост.

Бор бисотидан ажралган Тошпўлат Эрбўтаев оиласини «халқ душмани»нинг фарзандлари деб бир этак болакайлари билан қишлоқдан четлаштишга

Тиллобах МИРЗААХМЕДОВ, меҳнат фахрийси

Фахр

# ЭРКИНГ ЎЗИНГДА БЎЛСА...

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қисқаси, охири қарор чиқунча, вақил неча марта катнади, аниқ эсимда йўқ. Аммо ҳар сафар кимларнингдир олдида «эриши», кимларнингдир кўнглини овлаш учун совғасаломлар олиб кетгани ёдимда... Энди алам қиладигани — биз шундай буюк бобомизнинг мавлуд тўйларини кимлардандир ялиниб, тиланиб, сотиб олган эканмиз...

Бугун озодликнинг ҳар бир сониясига таъзимлар қилса арзийди!

...Ёки, қадим Хиванинг юбилей тадбирини олиб қарайлик. Бу ҳам кечаги кундаги гап. Бирор йиллар шаҳар ёши масаласида тортишув кетди. Икки минг йил дейишди, сўнг яна юз йил қўйишди. Қадимшunos олимларимиз далил-исботлар кўрсатавергач, «бор-е барака!» деб тагин юз ёш қўйишди. Шу билан 2200 ёш бўлди, шундан бир кун ҳам нари ўтишмади — истасанглар шу. Гўё у билангонлар Хиванинг тамал тошини қалашда қатнашгандек...

Агарда Истиқлолга эришганимизда, албатта, биз шаҳарнинг шу ёшини нишонлаган бўлардик. Фанда исботланган аниқ ёши — 2500 йилликка рози қилиш учун уларга шаҳар тўхфа қилсақда, Москва кабинетларида ўтирган қорчалонларнинг имзолари унмасди.

Буюк соҳибқирон Амир Темир бобомиз юбилейи ҳақида ўша вақтда сўз очсангиз, Сибирга «саёҳат»га кетишингиз аниқ эди. Азиз-авлиларимиз номини эъзозлаб гапирсангиз, сизни диндорга, душманга чиқариб қўйишарди.

«Озодлик бизга нима берди?», деб бир даврада билангонлик қилди аламзада бир

кимса. Уни қинғир ишлари учун вазифасидан эртароқ мосуво қилишган. Шўро замонларида идорада ўтириб қоғозга имзо чекишдан бошқасига ярамасди. «Урганган илми» замонамизга тўғри келмади — ишсиз қолди. Энди у ғаламис гапларни ташвиш билан «оғринган кўнглини» тинчитади, қўлдан кетган мансабининг аламини шу билан олаётгандай бўлади.

Мен ўшанда унга мўъжаз Хоразмдан қатор мисоллар келтирдим. Озодликнинг тисоли бўлган Жалолиддин Мангуберди саркардамизнинг мавлуд тўйи қандай нишонлангани, у зоти муборак шаҳарга вилоят марказида улкан мажмуа бунёд этилгани, ҳайбатли ҳайкали қад ростлагани, тўйнинг бошида Юртбошимизнинг ўзлари турганлари, юбилейда оташин сўзлар айтганини эслатдим. Бир вақтлар ташландик, кўримсиз бўлиб ётган жойда қисқа фурсатда бунёд қилинган ёдгорлик мажмуаси ҳозирда ёшларнинг, келин-куёвларнинг зийратгоҳига айланганини ёдига солдим.

Биз, Жалолиддин Мангуберди авлодлари, улуг саркардамиз руҳи ҳаққи-ҳурмати, Озодликнинг пойқандамига тўшалсақ-да кам.

Дин тўғрисида гапирилганда «афюн», шарқона маданият ҳақида сўз кетганда «эскилик сарқити» атамалари лоп этиб рўпарамиздан чиқарди. Айтадиган сўзимизни ичга ютардик.

Энди, «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллиги қандай байрам қилинганини бир зум хотирланг. Урганчада яратилган улкан мажмуа, Шарқу Фарб лол қолган маҳобатли тантана, Юртбошимизнинг асар дунёга келган замин

шаънига айтган сўзларини эсланг!  
Озодликни қанча улугласак, шунча кам, деб ўйлайман.

...Бир оддий хоразмлик сифатида Озодлик берган имкониятлар ҳақида яна қанча айтмай? Нажмиддин Кубро, Аз Замахшарий, Оғахий, Пахлавон Маҳмуд, Феруз ҳазратларининг муборак тўйларидан сўзлайми. Улар шарафига яратилган обидалар, боғлар, обод масканлар эл-юртга хизмат қилиб кунда-кунора бизнинг кимлигимизни кўрсатиб, исботлаб турибди-ку!

Озодлик деган мўътабар сўзни ҳис-ҳаяжонсиз, тил учиде айтадиган кимсаларни кўриб, дилинг эзилди, ҳайқиргинг келади.

Истиқлол туфайли ҳар кун бирор қишлоқ, шаҳарда янги мактаб, коллеж биноси ишга туширилаётгани, яшаш, ишлаш учун бепоён имкониятлар яратилаётгани бугуннинг ҳақиқати-ку!

Булар учун ҳеч қимдан руҳсат сўраётганимиз, кимларнингдир миннатини кўтараётганимиз йўқ.

Буни Озодлик дейдилади. Истиқлолдан сўнг қанчадан-қанча ўзгаришлар рўй берди, тўйлар, байрамлар ўтказилди. Асоссиз қораланган қанчалоб улуг аждодларимизнинг номлари покланди, оқланди, абадийлаштирилди. Қанчалоб шаҳримизнинг табаррук тўйлари нишонланди, ўтказилажаки ҳақида гурур билан, мактабини гапирадиган бўлдик.

Яна нима дей, айтaversам гап кўп...  
Ҳамма ҳаёлларимни босиб, кўксимдан гурур, фахр-ифтихорга чўлганган бир гап этилади: бир умр хизматингданман, бир умр қарздорман, таъзимдаман сенга, Озодлик!

Рўзимбой ҲАСАН



## ЖУМА НАМОЗИДАН ҚАЙТАЁТГАНДА...

Қатарнинг «Ал-Жазира» телеканали тарқатган маълумотларга қараганда, Ироқнинг Ан-Нажаф шаҳрида содир этилган портлаш оқибатида 95 киши ҳаётдан кўз юмди, 200 дан ортиқ одам турли даражада тан жароҳати олди. Бу рақамлар ҳали яна ортиши мумкин. Негаки, бузилган бино харобалари остини тозалаш ишлари давом этмоқда.

Қурбон бўлганлар орасида шизлар етакчиси, Ироқдаги Ислол инқилоби партияси Олий Кенгаши раҳбари Муҳаммад Бақир Ал-Ҳаким ҳам бор.

Маълумки, Ан-Нажаф шаҳридаги имом Али макбара-маҷитидан одамлар чиқаётган пайтда (жума намозидан сўнг) шу ерга қўйиб кетилган автомобиль (ичига портловчи моддалар тўлдирилган) террорчилар томонидан портлатиб юборилган. Портлаш шунчалар кучли эдики, 100 метр айланадаги барча нарсалар яқсон бўлган. Ҳатто, анча наридаги ресторанинг ҳам томи тушиб кетган.

Ироқнинг Муваққат бошқарув кенгаши аъзоси Аҳмад Чалабининг фикрича, бу террорни Саддам Хусайн тарафдорлари амалга оширган. Улар мамлакатда диний асосдаги фуқаролар урушини алағалатмоқчи.

## 11 МИНГДАН ОРТИБ КЕТДИ

Бу йил Европада ёз «қаҳри» келди. Айниқса, Францияда унутилмас из қолдириди. Жазираманинг 1 августдан 15 августга бўлган даврида иссиқдан вафот этганлар сони 11 минг 435 кишига етган. Бу маълумотларни Франция соғлиқни сақлаш вазири Жан-Франсуа Маттеи ошкор этди. Унинг айтишича, бу ҳозирча дастлабки маълумотлар яқиний хулосалар сентябрь охирида маълум қилинади, дейилади. France-2 тўлиқинида узатилган ахборотда.

Испанияда эса иссиққа бардоши етмай қазо қилганлар сони 2 мингдан ортиб кетди. Бу ҳақда Мижозлар ҳуқуқи ҳимояси ассоциацияси президенти Кармен Флорес Reiter агентлиги маълум қилди. Кармен шуни алоҳида таъкидладики, шифокорлар вафот этганлар сонини камайтириб кўрсатмоқда, яъни 101 та деб. Негаки, улар ўз иш жойларидан айрилиб қолишни хоҳламайди.

Португалияда ҳам иссиқдан қурбон бўлганлар бор, лекин бу кўрсаткич Испаниядагидан 4 марта кам.

Испанияда чоп этиладиган El Pais газетасида ёзишларича, Каталинадаги 15 та йирик шаҳарнинг ўзиде 40 даражали иссиқ 1600 кишининг умрига зомин бўлди. Бу ўтган йилдаги кўрсаткичдан 35 фоиз кўндр. Севилья шаҳрида эса августнинг биринчи ярмида ўлганлар сони ўтган йилдагидан икки бараварга ортиб кетган.

Банк тизими

# «УМИД», «ИМКОНИЯТ» ВА «КАФОЛАТ»



Банклар ҳар бир мамлакат молиявий ва иқтисодий соҳаларининг асосий суянчиги ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таркибий ислохотлар жараёнида банк тизимининг аҳамияти беқоёс. Истиқлол йилларида барча соҳалар қатори банк тизими шаклланиб, ривожланмоқда. Шуниси қувончлики, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи тижорат банки бўлган «Турон» учун ҳам ўтган давр барқарор ўсиш йиллари бўлди. Бошқарув тизимини такомиллаштириш, шахобчалар тармоғи ва мижозлар базасини, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга молиявий кўмаклашиш, аҳоли учун янги омонат турларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда банк ўз мавқеини мустаҳкамлади.

«Турон» банк жами активлари жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 21740 млн. сўмини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан икки баробар ортди. Кредит ва факторинг қўйилмалари эса ўтган йилга нисбатан 3321 млн. сўмга кўпайди. Шунингдек, кредит қўйилмаларини ошириш, корхона, ташкилотларга факторинг хизмати кўрсатиш, банкараро депозитлар қўйиш ва бошқа барча фаолият турлари бўйича ижобий натижаларга эришилди. Ўтган олти ой давомида даромад келтирувчи активлар умумий активнинг қарийб эллик фоизини ташкил этгани ҳам шундан нишона.

«Турон» банк тизимини ривожлантиришнинг яна бир табиий жараёни уни универсallaштиришдан иборат бўлди. Мижозларнинг қайси тармоққа мансублигидан қатъи назар банк барча вилоятларда уларга

хилма-хил хизмат турларини кўрсатмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, банк мижозлари сони охиб, шу йилнинг 1 июль ҳолатига кўра 8737 нафарга етди. Мижозларнинг кўпайиши банк ривожланиш кўламини кенгайтириб, янги шахобчалар, минибанклар очиб имкониятчини бермоқда. Ўтган ярим йилликда битта филиал, иккита минибанк ташкил этилди.

Банкнинг республика фонд бозоридеги мавқеи ҳам ортмоқда. Банк активлари тўғри диверсификацияланиши ва таркибининг қайта тузиб чиқиши натижасида, ресурсларнинг бир қисми қимматбахо қозғалар билан бўладиган турли операцияларга йўналтирилди. Ўтган олти ой ичиде 205,6 млн. сўм маблағ юқори ликвидли қисқа муддатли давлат қиммати қозғаларини сотиб олишга йўналтирилди ва бунинг эвазига 32,0 млн. сўм даромад олинди.

Албатта, «Турон» банк ҳам мамлакатимизнинг йирик ақидорлик жамиятларидан саналади. Шу йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 1843 та ҳуқуқий ва 5073 жисмоний шахс банк акциядори ҳисобланади.

Акциядорларнинг ўтган йил апрелдаги умумий йилгилишида 900 млн. сўмлик банк оддий акциялари IV эмиссияси эълон қилиниб, муомалага чиқарилди. Шу йилнинг 1 май ҳолати бўйича банк устав капитали тўлиқ шакллантирилиб, икки миллиард сўмини ташкил этди. Банк ўзининг ресурс базасини кўпайтириш мақсадида, бултурдан бошлаб юридик шахслар учун 1300 млрд. сўм депозит сертификaтларини муомалага чиқарди. Уларнинг даромади муддатига қараб, ўн фоиздан йигирма саккиз фоизгача қилиб белгиланди. Бугунгача 873 млн. сўм депозит сертификaтлари реализация қилинди. Жисмоний шах-

слар учун муомалага чиқарилган ярим миллиард сўмлик омонат (депозит) сертификaтларидан 206,7 млн. сўми сотилди.

Банк жамоаси аҳоли маблағларини жалб этиш ишларига жиддий эътибор бермоқда. «Кафолат», «Олтин булок», «Умид» омонатларининг даромад миждори юқори фоиз қилиб белгиланиши кўпчилиққа маъқул келди ва самарали кечмоқда. Катта фоиз даромад берадиган, муддати бир ойдан уч ойгача бўлган «Имконият» омонатининг жорий қилиниши ҳам яхши қаршиланди. Оқибатда аҳолидан жалб этилган маблағлар миждори бугунга келиб 2725,0 млн. сўмга етди. Бу банкка жалб этилган жами ресурсларнинг йигирма икки фоизини ташкил этади.

Банк тадбиркорликка қўл урган кишиларга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Чунончи жорий йилнинг 1 июль ҳолати бўйича кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 313 та субъектга 2951,4 млн. сўмлик кредитлар ва имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Бу жами кредит қўйилмасининг 31,3 фоизини ташкил қилади. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитлар қолдигининг 5140,9 млн. сўмлик кредитдан 3856,8 млн. сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилганини таъкидлаш жоиз.

«Турон» банк кредитлар ажратишда турли банклар қатори, иқтисодийнинг барча тармоқларини қамрашга ҳаракат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, «Турон» банк ҳам мамлакат иқтисодийтини мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали кечилишини таъминлашга бундан бундан ҳам ҳаракат қилаверади.

Алишер РЎЗИЕВ

# «САМАРҚАНД АВТОТЕХНИЗМАТ»

ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

БАРЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ АЗИЗУ МУКАРРАМ БАЙРАМИМИЗ —  
ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

## 12 йиллиги

ШОДИЁНАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАЁТГАНИДАН БАХТИЁРДИР.

Юртимизда қилинган ишлар, бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар, маънавий ва маърифий ўзлик, улуман таваққур урқунинг салмоқлари аср мезонларига татигуликдир. Озодликнинг ҳур шабадалари сабаб биз қиёси йўқ ёруғ кўналарга эришдик.

Яна шуни мамнуният билан айталикки, Мустақилликнинг қисқа давридаёқ юртимиз автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторига қўшилганлиги барчамизда фахр-ифтихор туйғуини юксалтирди. «ЎзДЭАавто» қўшма корхонаси фаолият бошлагандан бери 330 мингдан ортиқ турли русулдаги автомобиллар ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 150 мингдан ортиги «ЎзавтотехнизмаТ»нинг бевосита жойлардаги бўлимлари орқали сотилди. 70 минг автомобиль эса экспортга чиқарилди.

Қувончлиси шуки, 150 минггача автомашина — «Матиз» айнан «Самарқанд автотехнизмаТ» орқали ўз харидорини топди. Таъкидламоқчи бўлганимиз: 150 минггача автомобиль соҳибига Sony рангли телевизор совға қилинди. Бундан ташқари автомобиль харидорларига бошқа совғалар ҳам жорий этилган.

Бизда кафолатли хизмат ҳам йўлга қўйилган. Биз хизмат кўрсатаётган «Нексия», «Тико», «Дамас», «Матиз» автомобиллари қаторига эндиликда «Ласетти» ҳам қўшилиши ишонимиз салмоғини янада оширади.

Илоҳим, Обод маҳалла йилида ҳар бир хонадон соҳибига ўз автомобилларимизни харид қилиш насиб этиб, маҳаллаваримизни янада обод қилаверсин.

### АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Кўнгилаарни эзгулик, шодлик, шўкроналик ва умид туйғулари тарқ этласин. Қилаётган меҳнатимиз юртимизга, оилаваримизга кут-барака олиб кураверсин. Юртда тинчлик, хонадонларда тотувлик, кўнгилаарда осойишталик доимо ҳўкл сурсин.



# «БУХОРОТУРИСТ»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Бутун Ўзбекистон халқини ва юртимизга ташриф буюрган азиз меҳмонларни Истиқлолнинг буюк байрами — Мустақиллик кунин билан чин қалбдан муборакбод этади!

«Бухоротурист» барчага оилавий бахт-саодат, фаровонлик ва мустаҳкам саломатлик тилайди!



# «ЎЗАВТОСАНОАТ» УЮШМАСИ

таркибидаги ишлаб чиқариш корхоналари  
ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари

барча ватандошларимизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз

— Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги  
билан қизғин табриклайдилар!



Мамлакатимизнинг ғурури ва ифтихори,  
санъатимизнинг етакчи тармоғи —  
автомобилсозлик ҳонадон Ўзбекистонимиз  
иқтисодийтидан барқарор равишда ўрин олиб,  
шиддат ва ишонгли қадамлар билан  
ривож топаяпти.

Бугунги кунда барганимиз меҳрини қозongan  
«Нексия», «Дамас», «Мико», «Майиз»  
русумли автомобилларимиз қаторига  
ўта замонавий «Ласетти» автомобили  
ҳам қўшилди.

Биз ана шундай машиналарни ишлаб чиқарар эканмиз, мамлакатимиздаги  
ҳар бир хонадон ушбу автомобиллар соҳиби бўлишини чин дилдан иштаймиз.  
Байрамнингиз муборак бўлсин, азиз юртадошлар!



## «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

барча юртадошларимизни ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида  
буюк ва мўътабар сана — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг


### 12 ЙИЛЛИК

байрами билан қизғин муборакбод этади.

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Башарият тарихи учун бир зум ҳисобланган бу қисқа даврда асрларга тенг тарақ-  
қиёт йўлини босиб ўтдик. Бунда жамоамизнинг ҳам ўзига хос, ўзига мос ўрни,  
камтарона ҳиссаси борлигидан фахрланамиз. Чунки, биз, матбуот тарқатувчилар  
— янгилик элтувчилармиз! Юртимизнинг ҳар бир тонги азиз ва мунаввар янги-  
ликлар, бунёдкорликлар билан бошланишини Аллоҳдан ҳамisha тилаймиз!

ЭНГ АЗИЗ, ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМИМИЗ БАРЧАГА МУБОРАК БЎЛСИН!



Газетанинг навбатдаги сони 1 сентябрь, душанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV  
Abdulhafiz JALOLOV  
Azimjon AYUPOV  
Aziz NOSIROV  
Ashur QODIROV  
Bobir ALIMOV  
Habib SA'DULLA  
Norboho SHAKAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Alimqul SULTONOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Andrey ORLOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari  
«Golos Uzbekistana»)  
Nomoz SA'DULLAYEV  
Rahima HAKIMOVA  
To'lepbegonov  
QAIPIBERGENOV  
Abdug'ani  
MAMASODIQOV  
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI MARKAZIY  
KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va  
xalqaro hayot  
133-44-55  
Ma'naviyat va ma'rifat  
133-69-45  
Ijtimoiy hayot va  
iqtisodiyot  
133-20-36  
Parlament va huquq  
136-57-20  
Axborot, sport va  
harbiy vatanparvarlik  
133-21-43  
Xatlar va  
ommaviy ishlar  
133-12-56 (Tel. Faks)  
Kotibiyat  
133-72-83  
Reklama va e'lonlar  
133-38-55, 133-47-80,  
133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT

MUXBIRLARI:

Andijonda —  
25-16-16  
Buxoroda —  
222-10-92  
Gulistonda —  
25-03-80  
Jizzaxda —  
5-49-85  
Navoiyda —  
3-39-20  
Namanganda —  
26-43-43  
Nukusda —  
222-70-12  
Samarqandda —  
35-20-54  
Urganchda —  
226-51-35  
Farg'onada —  
26-43-62  
Termizda —  
3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT,  
MATBUOTCHILAR  
KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi  
Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «O'zbekiston  
ovozi» ning kompyuter  
markazida teriladi va  
sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar  
Ikromjon ISMOILOV  
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonaning manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston  
Respublikasi Davlat  
Matbuot Qo'mitasida  
00004-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida,  
A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi»  
materiallarini ko'chirib  
bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga  
oshiriladi.

Г — 762

7731 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.  
Topshirildi — 21.00.

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA